



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

«Made in Uzbekistan» белгиси дунёга ёйилмоқда

Мамлакатимиз ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда мустақилликка эришди. Шу йиллари аҳоли эҳтиёжи учун зарур нарсалар четдан келтирилди

Ўша пайтларда Ўзбекистон барча товарлар билан ўзини ўзи таъминлайди, ҳали ҳамма нарса мўл-кўл бўлади, деса биров ишонмасди. Бугун бу айни ҳақиқат. Бозору супермаркетларда барча озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол товарлари муҳайё. Ҳамма ўзига маъқулини танлаб, саралаб олади.

Мамлакатимиз нафақат ўз эҳтиёжини ўзи қондирмоқда, балки «Made in Uzbekistan» ёрлиги туширилган маҳсулотларимиз дунёга ёйилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида юртимизнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги ўрни кенгайиб бораётган. Қорхоналаримиз жаҳон бозорига қарийб барча турдаги товарларни — озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, замонавий техникаларгача таклиф этмоқда. Халқор андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар юқсак сифати билан хорижий истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон умумий қиймати

қарийб беш миллиард долларлик озиқ-овқат, мевасабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч барбардан зиёд ошди. Мамлакатимиз дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортқ сархил мевасабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётган. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўн та етакчи давлат қаторида туради.

Юртимизда энгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугун компания таркибида уч юзта қорхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур қорхоналар 2013 йилда умумий қиймати 2 триллион сўмдан ортқ миқдорда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати қарийб 830 миллион долларни ташкил этди.

2 >>>



Салих ЗОИР олган суратлар

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ташаббуси билан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазири ўринбосари Дилмурод Турдиевнинг «Иқтисодий реал тармоқлари учун меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш ҳолати ва истиқболлари, уни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги ахбороти тингланди

Парламент қуйи палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар ва давлат қўмиталари мутасаддилари иштирок этган тадбирда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантиришга қаратилган

изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, келажагимиз ворислари тарбиясига эътиборни кучайтириш борасидаги ишлар тобора кенг қамров касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда ушбу соҳага ҳар йили янги ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи, давлат бюджетига харажатларнинг 35 фоизи миқдоридан

маблағ йўналтирилаётганлиги, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган муассасаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали узлуқсиз таълимнинг яхлит тизими яратилганлиги юқоридаги фикрнинг яққол тасдиғидир.

2 >>>

Сувдан оқилонга фойдаланиш — ҳаётий зарурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «2013-2017 йилларда суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш бўйича тегишли ҳудудий дастурлар бажарилишининг бориши ҳақида»ги масала юзасидан Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, Сирдарё, Зафаробод ҳамда Косон тумани ҳокимларининг ахбороти эшитилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Иқтисодий, Молия вазирликлари мутасаддилари иштирок этган йиғилишда

таъкидланганидек, мамлакатимиз миллий иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми бўлган аграр секторда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2 >>>

Тест натижаларини CLICK орқали билиш мумкин

Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун имтиҳон натижаларини уяли телефонларга уланган CLICK тизими ёрдамида SMS орқали олиш имконияти яратилди.

Click.uz сайтида берилган хабарга кўра, Давлат тест маркази (www.dtm.uz) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган хизматта мувофиқ, абитуриентлар имтиҳон натижаларини олиш учун USSD-менюсида (*880#) очилган «DTM 2014» бўлимига киришлари керак. Тегинчи тартибда абитуриент рақами ёзилганидан сўнг ДТМ томонидан берилган имтиҳон жавоблари автоматик равишда SMS орқали абонента юборилади.

Тараққиёт йўлида собит ҳамкор

Ҳар бир давлатнинг тарихида янги давр бошланишини белгилайдиган ёрқин саналар бўлади



Ўзбекистон учун 1991 йилнинг 1 сентябри — давлат мустақиллиги эълон қилинган кун худди шундай ҳодиса, энг буюк ва қутлуғ сана ҳисобланади. Ушбу шодиёна арафасида босиб ўтилган йиллар чўққисидан ортга йорлак ва амалга оширилган кенг кўламли ислохотларни атрофлича таҳлил этиш, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизни белгилаб олиш янги аънага айланган. Зеро, мустақил тараққиёт йилла-

рида республикамиз қўлга киритган ютуқларни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг натижасидан кўнгилларимиз узгача ифтихор ва ғурурга тўлади. Тарихан қисқа, шу билан бирга асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларидаги каби банк тизимида ҳам Президентимиз раҳнамолигида улкан ислохотлар амалга оширилди.

Натижада ўта қисқа даврда мустаҳкам асос ва мукамил инфратузума-

га эга бўлган, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи шундай банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб у иқтисодийта амалга оширилаётган янгиликларнинг ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, халқор ҳамжамият эътирофига ҳам сазовор бўлган, беш тамойилга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» ушбу муваффақиятларимизнинг бош мезони сифатида эътироф этилаётган.

Ҳеч шубҳасиз, иқтисодийнинг муҳим бўғини бўлган банк тизимини ташкил этиш, уни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш ҳам ушбу тамойиллар асосида босқичма-босқич амалга оширилиб, эришган бекиёс ютуқларимизнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

6-7 >>>

Кичик саноат зоналари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чоратadbirkorлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тadbirkorлик субъектларига ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда қўмақлашни мақсадлида мамлакатимиз ҳудудига кичик саноат зоналари барпо этиш белгиланди ҳамда бунинг учун тadbirkorларга ҳар бири 0,2-0,3 гектарга тенг бўлган жами 57 та ер майдони ажратилган бўлди.

Шунингдек, мазкур қарорга биноан, давлат мулк объектларини хусусийлаштириш тартиблари янада соддалаштирилди. Масалан, давлат активларини «ноль» қийматда оммавий савдолар орқали сотишни амалга ошириш ҳақидаги эълонлар илгаридек ушбу тadbirkor ўтказилишидан икки ой олдин эмас, балки бир ой аввал республика ва маҳаллий нашрларда чоп этиш мумкин бўлди...

(Мазкур мавзуга оид тафсилотлар билан газетанинг кейинги сонидан танишишингиз мумкин).

БИР ЮЗ ЎН БЕШ ЙИЛ КЕЧИКТИРИЛГАН ҚУЛАЙЛИК

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

Йигирма уч йил — тарих учун жуда оз муддат. Лекин шу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу даъват ҳаётимизнинг шioriга айланди.

Барча жаҳаларда рўй бераётган янгиликлар, истиқлол имкониятлари ҳақида ҳаяжонсиз, тўлқинланмасдан сўз юритиш мушкул. Бу ҳақда гап очилганда ўз-ўзидан гурур жўш уради, қалб ифтихорга тўлади. Ва беихтиёр биз ким эдик, деган оғриқли савол ҳаёдан ўтади. Аслида шу саволнинг жавоби мустақиллик неъматларини қадрлашга ўргатади. Таққос ва қиёс одилона ҳулоса чиқариш, ҳолис баҳо бериш имконини яратади.

Келинг, фикрларимизни мамлакатимизда телефон тармоғининг аввали ва бугунги тараққиёти мисолида солиштириб кўрайлик.

Ғарб мамлакатлари аҳолиси XIX асрнинг 70-йилларидан телефон алоқасидан фойдалана бошлаган. Бостон университети профессори Грэхем Белл 1876 йилнинг 14 февралда биринчи телефон апаратига патент олгани манбалардан янги маълум. Орадан юз йил ўтиб, бу тизим дунёда шунчалик ривожландики, ҳар қандай масофадан алоқа боғлаш мумкин эди.

Лекин юртдошларимиз бир аср муқаддам кашф қилинган шу қулайликдан бемалол фойдалана олмади. Зеро, XX аср 70-йилларининг охири, 80-йилларнинг бошидаги аҳволни кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўзбекистонга алмосоқдан қолган АТСлар келтирилди, унинг ҳам «номер»лари чекланганидан уйга телефон тушириш учун йиллаб навбат қутилди. Буйруқбозлик тўсиқлари эса энди навбат келган одамларни ундан воз кечишга мажбур қилган ҳолатлар тез-тез учраб турарди.

3 >>>

Бугунги сонда:

3 Ислохот
Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш бахти

4 Жараён
Ёшлар — миллат келажаги

5 Қуйи бўғинларда
Тарғиботнинг таъсир кучи

8 Сўнги саҳифа
Навбат — «Нанкин-2014»га

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 12 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2172,16
1 Англия фунт стерлинги	3927,07
1 Дания кронаси	420,69
1 БАА дирҳами	637,13
1 АҚШ доллари	2340,19
1 Миср фунти	327,30
1 Исландия кронаси	20,28
1 Канада доллари	2133,07
1 Хитой юани	380,32
1 Малайзия ринггити	732,34
1 Польша злотийси	748,86
1 СДР	3584,98
1 Туркия лираси	1096,36
1 Швейцария франки	2582,71
1 ЕВРО	3159,26
10 Жанубий Корея вони	22,72
10 Япония иенаси	229,09
1 Россия рубли	64,21
1 Украина гривнаси	185,63

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Парламентда

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ташаббуси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Инсон капиталига сарфланган инвестициялар ва қўйилмаларни ошириш, демократик тараққиёт мақсадларига эришишда ҳал қилувчи куч бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун, энг аввало, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муаммалар ҳуқуқий асоси яратилди. У «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, 90 дан ортиқ қонун ҳужжатини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори, 2012 йил 24 июлдаги «Юқори малакали илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда янги босқични бошлаб берган муҳим қадамлар бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Депутатларнинг фикрича, таълим жараёнини ислоҳ қилиш ва меҳнат бозорига талабга кўра юқори малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасалари муҳим ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларнинг сони кейинги йилларда 2 баравар ортиди. Бунда олий ўқув юрталарига кириш йиллик кўрсаткичлари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг кенг қўламли модернизация қилиниши, замонавий корхоналар, ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши билан узвий боғлиқ ҳолда доимий равишда мақбуллаштириб борилмоқда. Охирги икки йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун 109 мингдан зиёд бакалавр ҳамда 12 минг нафар магистр тайёрланди. Шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги 1500 дан зиёд коллеж ва академик лицейларда 219 та мутахассислик бўйича кўплаб ёш кадрлар тайёрланмоқда.

Эшитувда таъкидланганидек, O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан уюштирилган учрашувлар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ўтказган назорат-таҳлил тадбирлари ҳали соҳада бир қатор фойдаланилмаган имкониятлар ва вазифалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодиёти ва таълим тизимининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Жумладан, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини рағбатлантириш, минтакаларни инновацион ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва рўйбга чиқаришда таълим муассасаларининг ролини ошириш масалаларини яна бир бор кўриб чиқиш зарур.

O'zLiDeP депутатлари партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини янада оширишда меҳнат бозори эҳтиёжларини тўлиқ инobatга олиш муҳим эканлигини таъкидла-



Эшитувда таъкидланганидек, O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан уюштирилган учрашувлар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ўтказган назорат-таҳлил тадбирлари ҳали соҳада бир қатор фойдаланилмаган имкониятлар ва вазифалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

дидлар. Уларнинг фикрича, бундай ёндашув инновацион жараёнлар субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик кучайишига кўмаклашади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга доир долзарб вазифаларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ушбу жараёнда таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳуқуқ-мажбуриятларини аниқ белгилаб олиш, тадбиркорлик субъектларининг олий ўқув юрталарида кадрлар тайёрлашдан манфаат-

дорлиги кучайтирилиши ҳисобига олган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Халмуротова. — Шунинг учун эшитув давомида ижро ҳокимиятига иқтисодиётни модернизация қилиш, рўйбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳалари билан узвийликда таълим тизими ишлари сифатини ошириш, ўқув муассасаларида кадрлар тайёрлаш бўйича узок муддатли дастурларни шакллантириш тақдир этиди. Эшитувда иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат

бозорининг реал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, яъни унинг рақобатбардошлигини янада ошириш муҳимлигидан келиб чиқадиган, ўқув ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ўрнатиш ҳисобига таълим муассасалари моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш чора-тадбирларидан иборат Касб-ҳунар коллежларини ривожлантиришга доир махсус дастурни қабул қилиш зарурати ҳақида ҳам сўз борди.

Йиғилиш якунида депутатлар билдирган тақдирлар ҳамда кўмитанинг қарор қабул қилиниши ҳақида ҳам сўз борди. Йиғилиш якунида депутатлар билдирган тақдирлар ҳамда кўмитанинг қарор қабул қилиниши ҳақида ҳам сўз борди. Йиғилиш якунида депутатлар билдирган тақдирлар ҳамда кўмитанинг қарор қабул қилиниши ҳақида ҳам сўз борди.

«Made in Uzbekistan» белгиси дунёга ёйилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган энгил санаят маҳсулотлари Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилмоқда.

— Авваллари хорижий давлатлар пахтамини сотиб олиб, уни қайта ишлаб, сўнг тайёр маҳсулот ҳолида қайта ўзимизга пуллар эди, — дейди «Yagona Hamkor Nuri» корхонаси директори Санобар Носирова. — Истиклол шарофати билан ўз юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига тақдир этиш ва дунё тадбиркорлари билан тенгма-тенг рақобатлашиш имконига эга бўлди. Мисол учун, корхонамиз юз фоиз пахтадан бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва уларни бир неча мамлакатга экспорт қиламиз. Биз, тадбиркорликнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши йўлида барча зарур шароит ва қулайликлар яратиб берилмагани учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Ҳар қандай корхонанинг рақобатбардошлиги маҳсулот сифатига қараб белгиланади. Шу боис мамлакатимиз корхоналарини томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Юртимиз корхоналарида бундай тизимларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни ўз вақтида сертификатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди. Сифат бошқаруви тизимида амалга ошириладиган янги бозор механизми сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлайди ва ўзаро шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида истеъмолчилар ишончини янада оширади.

Хорижда сафарда бўлган ҳамюртларимиз турли шаҳарларнинг кўчаларида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар ҳам тез-тез кўзга ташланиши одамнинг кўнглига фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этиши ҳақида тўқингани сўзлашди.

Ҳа, бугун автомобилсозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига, халқимизнинг ифтихорига айланди.

Ҳозирги кунда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Хорижий давлатларда Ўзбекистон автомобил саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият кўрсатмоқда. Замонавий дизайн ва

юқори техник имкониятларга эга ўзбек автомобиллари истеъмолчилар ишончини қозониб, мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Ўзбекистондаги макро-иқтисодий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити, бу борада пухта шаклланган механизм хорижий сармоядорларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Юртимизда чет эллик инвесторлар билан тузилган қўшма корхоналар сонининг йил сайини ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, «East Butterfly», «Novopharma Plus», «Global Komso Daewoo», «Uztext-Tashkent», «Agromir» каби қатор қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди.

Ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорт салоҳиятини юксалтиришда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларида эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес-форум ва кооператив биржаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар конунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан олтмишга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этмаптир.

Мамлакатимизда барпо этилган «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий индустриал зоналари бу борада улкан ютуқларга эришиш ва экспорт боп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ташкил этиши, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта ҳисса қўшаётди.

Яна бир гап. «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан шу йилнинг апрель ойида нашр қилинган ҳисоботда Ўзбекистонда охириги 10 йил мобайнида юқори иқтисодий ўсиш даражаси таъминланганлиги ҳамда мамлакатимиз экспорт таркибининг МДҲдаги бошқа давлатларга нисбатан диверсификацияланганлиги ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатлари ўзгарувчанлигининг сезиларли даражада паст бўлгани таъкидланган.

Булар Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ва халқимиз фидокорона меҳнатлари, юртимиздаги тинчлик-осойишталик самаралари бўлиб, ҳар биримизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

**Ирода УМАРОВА,
Ўза шарҳловчиси.**

«Гранд кибо» пойабзаллари

Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Гранд кибо» хусусий корхонаси маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Яқинда бу ерда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. 148 минг АҚШ доллари миқдоридagi замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши натижасида 10 турдаги болалар пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Маҳсулотларимизга қўшни вилоятларда харидорлар кўпаяётгани боис корхона фаолиятини янада кенгайтириш лойиҳалари устида иш олиб бормаяпти, — дейди хусусий корхона раҳбари Дилдора Маҳмудова. — Жорий йилда ўтказилган III халқаро саноат кўргазмасида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлганимиз ҳам кучимизга куч, шижоатимизга шижоат қўшиди.

«Саткак»даги янгилик

Фаргона туманида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий сервис хизматини ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилаётди. «Саткак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда «Водий мунаввар тонги» МЧЖ томонидан автомобилларга метан газ қуйиш шохбачаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани ҳам фикримиз далилидир. — Яқин кунларда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, мой алмаштириш, газ ускуналарини ўрнатиб, уларни сновдан ўтказиш хизматларини ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз, — дейди шохбача раҳбари Файзулло Эгамбердиев. — Ҳозир бу ерда 50 киши иш билан таъминланган бўлиб, йил охиригача яна қўшимча 10 та иш ўрни яратилади. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

Сувдан оқилона фойдаланиш — ҳаётий зарурат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»**

Хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан саналади. Шу маънода кейинги йилларда суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Натижада 1,5 млн. гектардан зиёд ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, ер ости сувлари юза жойлашган майдонлар 555 минг гектарга қисқарди. Энг асосийси, кучли ва ўртача шўрланган ерлар 113 минг гектарга камайтирилди. Бу эса стратегик эканлар ва мева-сабзавотчиликда ҳосилдорликнинг яхшиланишига хизмат қилаётди. Шунга қарама-қарсита соҳада фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд.

— Аграр тармоқнинг энг муҳим бўғинларидан бири саналган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш доимо долзарб масала бўлиб келган, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Айни пайтда жаҳон миқёсида кескин иқлим ўзгаришлари рўй бераётгани, қургўқчилик, шўрланиш ва чулланишнинг кучайиши, унумдор ер майдонларининг камайиши каби долзарб муаммолар ўз навбатида, мамлакатимиз аграр соҳасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжали-

ги соҳасига замонавий сувни тежовчи агротехнологияларни жорий этиш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этаётди. Аммо айрим туманларда мелiorатив объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, экинларни жойлаштириш билан боғлиқ нооқилона тадбирлар ҳамон ўртамоқда. Шунингдек, коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолати талаб даражасида эмаслиги каби ҳолатлар ҳам кузатишмоқда. Масалан, Самарқандда томчилатиб суғоришни жорий этиш 102 фоизга бажарилган бўлса, бугун ҳисоботи эшитилаётган ҳудудларда бу кўрсаткич 86-88 фоизни ташкил этмоқда.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, юқоридagi каби ҳолатлар қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланиб бораётган фермерлар фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бу борада айниқса Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида ечимини кутаётган муаммолар борлиги айтиб ўтилди. Кенгайтирилган йиғилишда айни масалага эътибор қаратилиб, Давлат дастури ва соҳага доир қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши устидан жойларда таъсирчан депутатлик назоратини янада такомиллаштириш, шунингдек, сайловчилар ўртасида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган тушунтириш ишлари ташкил этилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда яқинда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастури амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқ-



ро конференциянинг аҳамияти ва давлатимиз раҳбарининг конференция очилиш маросимидagi маърузаси мазмун-моҳиятига эътибор қаратилади. Таъкидланганидек, инсоннинг ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги асоси бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари этиштиришда бўлган Ўзбекистон тажрибаси, қишлоқ хўжалигимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва қўлга киритилган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътибор этилмоқда. Бундай таҳсинга сазовор натижалар, мамлакатимиз аграр тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва саноат-харакатларнинг самараси эканлиги қайд

этилди. Эшитувда, шунингдек, соҳани янада ривожлантиришнинг муҳим омил сифатида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш аниқ мудоао эканлиги таъкидланди. Бу борада йиғилиш иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Франция сув ресурсларини бошқаришнинг илғор тажрибаси билан танишуви бўйича ахбороти тақдим этилди. Юксак савияда ташкил этилган мазкур тадбирда сув ресурсларини бошқариш бўйича ўзаро фикр алмашилгани эътиборга моликдир. Кенгайтирилган йиғилиш якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Суғурта фаолиятини такомиллаштириш — давр талаби

Бугунги глобаллашув жараёнида суғурта бозорини ривожлантириш, бу соҳада айниқса йўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида акс эттирган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда



Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Мамлакатимизда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича суғурта ҳимояси «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиб келинаётганлиги кўпчиликка маълум. Бироқ таҳлиллар ушбу қонуннинг айрим нормалари эскирганлиги ва замон талабларига жавоб бермаётганини кўрсатмоқда. Бу ҳолат ташувчилар томонидан йўловчига етказилган зарарни тўла қоплаш қарор қилинган зарурати вужудга келаятигани ҳамда барча йўловчилар мажбурий суғурта билан тўлиқ қамраб олинмаганлигида яққол намоён бўлаётди. Масалан, амалдаги қонуннинг 2-моддасига кўра, шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти, автоартичида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари, вилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси доирасида қатновчи автомобиль транспорти ва йўловчилари учун 50 километр масофагача мажбурий суғурта қўлланилмайди.

АҚШ, Канада, Япония ҳамда МДҲ давлатларида тегишли қонунлар қабул қилинган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими муваффақиятли ишлаб келмоқда. Айти пайтда мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани янада такомиллаштириш ва ривожлантириш кун тартибидagi муҳим масалалардан бирига айланган, десак адашмаймиз. Кейинги йилларда қабул қилинган қатор ҳужжатларда суғурта бозорини янада ривожлантиришга қаратилган ислохотлар алоҳида акс этмоқда. Мисол учун, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар»нинг 5-бандига мувофиқ «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент қўйи палатасига киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи йиғилишида мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Уни муҳокамаларга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи вакиллари томонидан аниқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Янги қонун лойиҳаси юқоридаги камчиликларни бартараф этиб, уларни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янги босқичга кўтариши билан жамоатчилик эътиборини тортмоқ-



да. Унинг мақсади ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташуши амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қоплашнинг кафолатлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш О'зLiDePнинг асосий вазифаларида устувор аҳамият касб этади. Зеро, партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилаётган муваффақиятларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди.

Диққатга молик жиҳати, биринчи ўқишда қўриб чиқилган қонун лойиҳаси қабул қилингандан сўнг ҳукумат қарори билан мажбурий суғурта шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби, йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш тартибини ўз ичига олган, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қонунлари, жумладан, суғурта пули, суғурта муқофоти, суғурта тарифлари мажбурий суғурта қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташуши амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қоплашнинг кафолатлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш О'зLiDePнинг асосий вазифаларида устувор аҳамият касб этади. Зеро, партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилаётган муваффақиятларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди.

Дори уларни қўллаш тартиби, суғурта полиси бланкасининг намунаси ва уни тайёрлаш тартиби, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташуши амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қоплашнинг кафолатлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш О'зLiDePнинг асосий вазифаларида устувор аҳамият касб этади. Зеро, партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилаётган муваффақиятларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди.

БИР ЮЗ ЎН БЕШ ЙИЛ КЕЧИКТИРИЛГАН ҚУЛАЙЛИК

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Бир амаллаб уйга телефон турширилганга ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. Бақириб гапирмасангиз, кўшни маҳалладаги сўхбатдошингиз яхши эшитмасди. Кунда-кунора телефон тармоғига радио «ула-ниб» қолишини-ку гапирмасам ҳам бўлади. Чекка худуд ёхуд олис овулларни қўя туриш, ҳатто Тошкент шаҳридан нари борса, юз чакирим келадиган қишлоқдаги қариндошингиз билан телефонда гаплашиш учун икки кун кетарди. Олдин телеграмма бериб, уни муайян вақтга туман марказига чакиртирасиз. Кейин АТСага бориб, боғлаб беришларини соатлаб кутасиз. «Линия банд» деган иборани эшитавериб, асабларингиз қакшагани ёдингиздами?

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

Аммо айти шу пайтда ўзга юрт одамлари симсиз алоқа – мобил телефонда сўзлаша бошлаганини «кутинг, кейинги ойда келинг» дегувчилар тушида ҳам кўрмагандир. «Motorola» компанияси раҳбари Мартин Купер 1973 йилнинг 3 апрелида Манхеттен кўчаларида юриб, «сотка»да сўхбат қурган вақтда собиқ тузум даҳолари одамларни симли телефон учун навбатга қўйишдан чарчамасди. Инсон қадрини, унинг манфаатлари, қулайлик ва имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан иши йўқ эди. Қисқаси, телефон ихтиро қилингандан то мустақилликка эришгунимизча орадан роса 115 йил ўтди. Бугун дунёда бу соҳа жадал тараққий этди. Бизга эса ҳамон «линия банд»лигини ўқтиришарди.

Ҳозир юқоридаги гаплар кўпчилик, айниқса, ёшлар учун эртанамо воқеа бўлиб туюлади. Чунки истиқлол насимлари эса бошлагандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби алоқа тизими, хусусан, телефон тармоғи тараққиётида жадал янгила-нишлар амалга оширилди. Мехнат-каш ва фидойи халқимиз учун бир юз ўн беш йил кечиктирилган қулайликлар санокли йилларда яратилди.

Бугун хонадонларимизга энг замонавий телефонлар ўрнатилган. Сайёрамизнинг исталган нуқтаси билан унингизда ўтириб бамайлихоти гаплашасиз. Ҳозир ҳеч ким гўшакини ушлаб, бақир-чақир қилмайди. Рақамли АТСлар, оптик тала-ли тармоқ жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Телекоммуникация соҳасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида юқори ўтказувчанлик салоҳиятига эга рақамли технологиялар асосида сифатли ва барқарор ишлайдиган телефон тармоғи бунёд этилди. Бу эса, ўз навбатида, тақдим этилаётган анъанавий хизматларни кенгайтириш, янги-ларини жорий этиш, мобил алоқа, маълумот узатиш ва Интернетдан қулай фойдаланиш бўйича замонавий инфратузилма ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон телекоммуникация тармоғида ўтказилган магистрал оптик талали алоқа линияларининг умумий узунлиги минг-минглаб километрни ташкил этгани ҳолда барча худудларни қамраб олди. Буларнинг бари истиқлол туфайли амалга оширилган ислохотлар натижаси, инсон азизлиги, манфаати устуворлигининг таъминлангани эмасми?!

Мобил алоқа, уяли телефонлар тизимидаги янгиликлар ҳам фақат мустақиллик сабаб ҳаётимизга кириб келди. Унинг юртимиздаги тугилган куни 1992 йил 26 август санасига тўғри келади. Айнан шу куни давлатимиз раҳбарининг ўзи Ўзбекистондаги илк уяли телефондан кўнгирак қилган ва мобил алоқа тараққиётига оқ фотиҳа берган.

Энди «сотка»сиз ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Оиламизнинг ҳар бир аъзосида мобил телефон бор. Истал-



ган дақиқада фарзандимизнинг қаердалигини билиш имконияти мавжуд. Ҳар куни хабар ололмайдиган ота-онамиз билан телефонда боғланиб кўнглимиз таскин топади. Улар ҳам нафақат фарзандининг овозини эшитгани, балки MMS орқали сура-тини кўрганидан, GPS хизматидаги фойдаланиб, жонли тасвирда гаплашганда ёнида ўтирганди тасалли олишади. Шундай имконият яратиб берганларни дуо қилишади.

— Илгари, билмайсизми, қаерда телефон бор, деб сўраб юрганлар кўп бўларди,— дейди Самарқанд вилояти Пайарик туманида истиқомат қилувчи Маърифат момо. — Ҳозир бундай савол умуман муомаладан чиқиб кетди. Чунки ҳаммамнинг уйда, қўлда телефон. Мана шу «сотка»ни шаҳардаги тадбиркор ўғлим бериб қўйган. Ишлатишни билмайман, рақам теришга кўзим ўтмайди, десам, қулади. Телефонга қараб, «бизнес болам» десангиз бўлди, мени чақиради дейди. Ростдан ҳам шундай...

Момонинг телефонига ҳар сафар рақам териш шарт бўлмаган «овоз-ли чакирув» хизмати ўрнатиб беришган экан. Қарияларимиз учун ажойиб қулайлик, шундай эмасми? Барча ислохотлар одамларнинг турмуш фаровонлиги учун эканлиги, бу муқаддас Ватанда энг аввало инсон азизлигининг кичик бир мисолдаги амалий кўриниши эмасми бу?!

— Мустақилликдан олдин 70-80 нафар оила яшайдиган қишлоғимизда иккитагина телефон бор эди,— дейди шу тумандаги «Кўлтўсин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Жўракул бобо Бекмурзаев. — Ҳозир-чи? Нафақат бир бир оила, балки унинг барча аъзоларига биттадан телефон тўғри келади. Иккитадан кўтариб юрганлар ҳам бор. Шундай имкониятлар яратилганидан қувонмай бўладими?

Алоқа тизимининг ривожланиши, мобил телефонларнинг кириб келиши умумбашарий техника тараққиёти таъсири, замон зайли билан бўла-япти, дегувчилар ҳам топилмади орамизда. Шундайларга бир савол: ўтган асрнинг 70-йилларида бошқалар қитъаларо сўзлашганда, коинот билан симсиз алоқа орқали боғланганда сизнинг уйингизда, ён-атрофингиздаги хонадонда ҳатто симли телефон бормиди? Чекка худудлар, қишлоқ ва овулларда-чи? Техника тараққиёти таъсирини бутун бир аср сезмадик-ку? Ана, ҳозир қўлингизда бир эмас, икки мобил телефон бор. Ҳўш, 23 йил бурун нега йўқ эди?

Истиқлол имкониятлари, мустақиллик неъматларининг қадрига етмоқ учун мустабид тузум, мустамлака даврида биз ким эдик, дей ўзингизга ўзингиз савол бериш. Айти шу савол барча-барчани тинчлик-осойишталикка шукрона айтиш, фаровон турмушни қадрлашга ўргатади. Таъкидланганидек, таққос ва қиёс одилона хулоса чиқариш, ҳолис баҳо бериш имконини яратлади.

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr».

XXI аср «Тоға»си — ғолиб

Ўзбекистонлик режиссёр Рашид Маликов томонидан суратга олинган «Тоға» бағиш фильми Иркутск (Россия) шаҳрида ўтказилган «Ойла даврасида» («В кругу семьи») театр ва кино фестивалининг тўлиқ метражли фильмлар йўналиши бўйича таъсис этилган Гран-при муқофотига сазовор бўлди.



Бундан ташқари, ҳайат аъзолари «Тоға» трагикомедиясида бош ролни ижро этган Бобур Йўлдошевни халқроқ фестивалининг энг яхши актери деб топди.

Шу ўринда мазкур фильмда ҳали фарзанди бўлмаган тоға, яъни Жуманининг уйига келган саккиз яшар жиян — Санжарнинг ҳаётини кечинмалари маҳорат билан акс эттирилганини айтиб ўттиш жоиз.

Ш.ХУҲАЕВ.

Ишончли ҳамкор

Миллий матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги тадбирда Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш, замонавий суғурта турларини кўпайтириш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, соҳада олиб бориладиган ислохотлар туфайли суғурта бозорида хусусий компанияларнинг улуши йил сайин ортиб бормоқда ва айни кунда бу кўрсаткич 60 фоизга етган. Ана шундай ташкилотлардан бири — «Кафил суғурта» масъулият чекланган жамияти 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, мазкур компания бир неча йилдан буюн суғурта бозоридagi рейтингига мувофиқ «Етарли даражадаги молиявий барқарор» суғурта компанияси сифатида фаолият кўрсатяпти. — Компаниямиз томонидан миқозларга 50 турдан суғурта хизматлари кўрсатилмоқда, — дейди жамият менежери Севара Эрмухаммедова. — Жорий йилнинг ўтган даврида уч мингдан зиёд шартнома имзоланган бўлиб, суғурта муқофоти 1 миллиард 730 миллион сўмдан ошди. Энг катта хизматлар ер усти транспорти воситаларини ихтиёрий суғуртаси бўйича кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес вакиллари учун суғурталашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Рисолат МАДИЕВА.

Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш бахти

Булоқлардан отилиб чиққан зилот сув жилғаларга, жилғалар бирлашиб ирмоқ, ирмоқлар қўшилиб дарё ва пировардида уммонларни ташкил этади

Абдусалим ЖАЛИЛОВ,
Кизилтепа туманидаги «Хонзурун окшоми» фермер хўжалиги раиси

Шу маънода бугун мамлакатимизда мисли кўрилмаган, истиқлолнинг дастлабки кунларидагига қараганда салкам 8,5 баробарга кўп, яъни 8 миллион 500 миң тоннадан зиёд сара дон этиштирилган экан, шундай улкан хирмонга бизнинг ҳам улушимиз қўшилганидан фарҳанамиз. Галлик тили билан айтганда, жаннатмодан юртимиз мустақиллик йилларида галла экспорт қилувчи давлатлар қаторига чиқиб олганлиги, омборларимиз донга, дастурхонларимиз нонга тўлганлиги муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг бевосита раҳнамолигида мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилган туб ислохотларнинг маҳсули эканлигини таъкидлаш жоиз.

Мен — деҳқон фарзандиман. Ота-онамнинг 8 на-

фар фарзанди қаторида бир умр томорқада, далада ишлаб катта бўлдим. 2006 йили фермер хўжалиги ташкил этганимизда ёшликда дала-деҳқончилик борасида ўрганганларим қўл келди. Отам раҳматли «Болам, ерга ҳам меҳр керак. Сен уни қанчалик парвариш қилсанг, у ҳам сенга шунчалик саховат кўрсатади, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўласан», дер эдилар. Айниқса, галлачиликдаги жорий йилда эришган ютуғимиз — ҳар гектар майдондан контрактация шартномасида белгиланган 33,5 центнер ўрнига 81 центнердан ҳосил кўтарилишида деҳқончилик илмини пухта эгаллаган пудратчиларимиз Зиннатулло Ҳамроев, Хусан Мардонов, Файзулла Жумаевнинг катта ҳиссаси бор. Давлат қабул пунктларига етказиб берилган 109,2 тонна галламизнинг 77 тоннасини уруғлик дон ташкил этди. Бундан ташқари, фермер хўжалигимиз ихтиёрида қолган 152 тоннадан ортиқ доннинг бир қисмини икки эҳтиёжларимизга

сарфлаган бўлсак, 22 нафар ишчи-хизматчимизнинг ҳар бирига икки тоннадан дон тарқатдик. Уларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, киши эҳтиёжлари учун захира яратиш мақсадида галладан бўшаган майдонларимизнинг салкам 10 гектарига тақрибий экин сифатида сабзи, шолғом ва мош экдик. Фермер хўжалигимизда боқилаётган 17 бош қорамол, 12 бош қўй ва 50 та паррандадан олинадиган чорвачилик маҳсулотлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Юртбошимиз фермерлик ҳаракатининг ривожланиши, ҳақиқий ер эгалари — мулкдорлар синфи шаклланишига катта эътибор бериш баробарида, уларнинг олдида қишлоқдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда фаоллик кўрсатишдек улкан вазифа қўйганликлари, биз — фермерларни замон билан ҳамқадам бўлиш, янада масъулият билан, самарали ишлашга ундайди. Шу боис ўтган йили фермер хўжалиги-

миз аъзолари билан келишган ҳолда ишлаб топилган даромадларимиз ҳисобидан нон ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик. Янги яратилган 4 та иш ўрнига коллежни битирган фарзандларимизни қабул қилдик. Сабзавот-полл маҳсулотлари этиштиришни кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантириш, балиқчилик, асаларичилик сингари кўшимча тармоқларни ташкил этиш билан эл маъмурчилиги, дастурхон тўқинлигига муносиб ҳисса қўиш жамомизнинг галдаги вазифалари саналади.

Жамоатчилик эшитуви

Жорий йилнинг олти ойида Қашқадарё вилоятида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 5407 та лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 271,8 млрд. сўм кредит ажратилди. Шундан 1029 та лойиҳа муаллифи хотин-қизлар бўлиб, улар учун ажратилган молиявий кўмак 20 млрд. 692 млн. сўмни ташкил этди

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Қарши шаҳрида ўтказилган жамоатчилик эшитувида хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш, ишбилармон аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Инобат Каримова айни пайтда ўн мингга яқин қашқадарёлик тадбиркор аёл турли жабҳаларда самарали меҳнат қилиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Бунда кичик бизнесни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани натижасида 2014 йилнинг биринчи ярмида 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, бунда О'zLiDeP вилоят кенгашининг ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган тадбирлари ўз самарасини бераётганига алоҳида ургу берилди.

рилли.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун семинарлар, тижорат банкларида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари банк кредитларини олиш, бизнес-режа тузиш бўйича ўқувлар ташкил этилаётгани шулар жумласидандир. Айниқса, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Экспресс Инвест» микрокредит ташкилоти томонидан гуруҳ кафилиги остида кредитлар берилиб, тадбиркорликнинг бошланғич фаолияти ўргатиб борилаётгани йилга 600-700 тадбиркорга ўз ишини кенгайтириш имконини яратмоқда.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ҳам иш ўринлари сони ортиб бормоқда. Масалан, банкрот ҳолатга тушиб қолган «Санам» очиқ акциядорлик жамияти тадбиркор Саъдулла Бобоқулловнинг ташаббуси билан қайта тикланиб, модернизация қилинган, 600 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

— «Соғлом бола йили» му-

носабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга

қатор тадбирларда ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етишишлари учун улар ўртасида кенг кўламда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Чунки соғлом авлод мамлакатимиз келажаги,

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ҳам иш ўринлари сони ортиб бормоқда. Масалан, банкрот ҳолатга тушиб қолган «Санам» очиқ акциядорлик жамияти тадбиркор Саъдулла Бобоқулловнинг ташаббуси билан қайта тикланиб, модернизация қилинган, 600 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш мақсадида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада самарали ташкил этишга ҳаракат қилаётимиз, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты Исмигул Хушмуродова. — Ўтган давр мобайнида партия фаоллари она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш мавзусидаги

энг катта бойлигимиздир. Вилоят иқтисодийёт бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шомурод Юсупов, «Микрокредит-банк» ОАТБ вилоят филиали мазсўл ходими Фазлиддин Эгамов маърузаларида ҳам Давлат дастури ижросини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар хуши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси Саъдулла Бобоқулловнинг баътафсил маълумот берилди.

Анжуман якунида ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ёшлар — миллат келажаги

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши томонидан Паркент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида мустақилликнинг 23 йиллиги муносабати билан «Ёшлар — мустақил Ўзбекистон келажаги» мавзусида тадбир ташкил этилди.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, сенга ва соқоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилган учрашувда сенаторлар, депутатлар, ёш тадбиркор ва фермерлар, спорт ва маданият соҳасида саямоқчи ютуқларга эришган иқтисодий йигит-қизлар, шунингдек, таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, маънавий камолотга етишиши учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётган. Шу боис улар барча соҳада юксак натижаларга эришиб, Ўзбекистон номини дунёга танитмоқдалар.

Узоққа бормаёлик. Паркент туманида 90 минг нафардан ортиқ ёш истекомат қилади. 2013-2014 ўқув йилида мавжуд 6 та касб-ҳунар коллежини 2277 нафар йигит-қиз тугатиб, мустақил ҳаётга йўланма олади. Ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида О'zLiDeP томонидан ўтказиб келинган «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари тобора оммавийлик касб этмоқда.

Бугунги кунда туман ёшларининг 520 нафардан зиёди партия аъзолари ҳисобланади. Шундан 68 нафари тадбиркорлик, фермерлик ва хунарманчилик билан шуғулланимоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 25 нафар ёш тадбиркорга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун тижорат банкларида 463,1 млн. сўм миқдорда кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбир домида партия лойиҳаларида фаол қатнашиб, сезиларли натижаларга эришган бир гуруҳ парктанлик ёшларга О'zLiDePнинг фахрий ёрқилари ва эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда иштирок этган таниқли шоирлар, санъаткорлар ва ёш истефод эгаларининг чиқишлари даврага байрамога рўх бағишланди.



Солижон ЗОИРОВ, «XXI asr»

ЭЪЛОН

Ҳурматли тадбиркорлар! «GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: ТИФ «Миллий банк» Бухоро вилоят бўлимининг 06.08.2014 йилдаги ЖМ-2146/13-сонли буюртма хатига асосан 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/159 SAA бўлган «NEXIA SONC GL150» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 100 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 9 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 23-30 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000405017774001, МФО 00116, ИНН 302485226.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8-365) 221-54-43. Хизматлар лицензияланган.

2014 йил Тошкент шаҳри, Олмазор туманида № 007328-05 рақами билан рўйхатдан ўтган «ASILBEK SIFAT QURILISH» МЧЖ тугатилишини маълум қилади. Даъво ва аризалар эълон матни газетда чоп этилганидан сўнг икки ой мuddат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (+998 90) 925-58-02

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Жамғарма орқали — жаҳон бозорига

Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокига тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Шу боисдан ҳам жойларда ишбилармонлар учун қўлай шарт-шароит яратиш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, уларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Ўз мухбиримиз

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ ТИФ «Миллий банк» ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Андижон филиали жамоаси ҳам тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқишида камарбаста бўлиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 77 та субъектга кўрсатилган молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий кўмак натижасида 66,5 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлар экспортга йўналтирилгани фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунга келиб жамғарма томонидан қўллаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Масалан, 2014 йилнинг ўтган даврида Андижон вилоятининг барча ҳудудларида тадбиркор ва фермерлар учун давра суҳбатлари ўтказилди. Иштирокчиларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинаётган қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалда тадбиркорларга хорижий давлатларда харидор топиб бериш, халқаро ярмарка, кўргазма ва тендерларда иштирок этишни ташкиллаштириш, экспортбоп маҳсулотларни сугурталаш ва сертифицирлашга оид ишлар бажарилаётганлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилди. Шу йилнинг 28 февраль-1 март кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган



халқаро пойабзал ярмаркасида Андижон вилоятининг «And Chin Invest» ва «Хонобод Сеул» корхоналари иштирок этишди. Натижада мазкур МЧЖлар 2 млн. АҚШ долларига миқдориди экспорт шартномаларини тўздилар. Шунингдек, 23-26 май кунлари Хитойнинг Сянь шаҳрида ўтказилган кўргазмада вилоятдан 6 та корхона вакили қатнашди.

Тадбиркорликка 2011 йилда қўл урганман, — дейди «Истиқлол Мед Сервис» МЧЖ раҳбари Мавлудахон Рашидова. — Дастлаб фаолиятимизни трикотаж маҳсулотларини тиқи билан бошлаб, кам буюртма ва турли бошқа сабабларга кўра ишни тўхтатишга тўғри келган эди. Лекин жамғарманинг алоҳида қўллаб-қувватлаши туфайли корхона фаолиятини тўхтатиш фикридан қайтдик. Тез орада мазкур ташкилот кўмаги билан хорижда ўтказилган саноат маҳсулотлари ярмаркасида қатнашдик. Дунёнинг 40 ортиқ

давлатидан 100 мингга яқин харидор ташриф буюрган ярмаркада корхонамиз маҳсулотларига Хитой тадбиркорлари томонидан катта қизиқиш билдирилди. Натижада бир нечта келишув битимини имзолашга эришдик.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан Сянь шаҳрида ташкил этилган кўргазма давомида хорижий ҳамкорлар билан музокара оlib борилди. Бизнес-форумларда иштирок этиб, қарийб 3,5 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди. Йил якунига қадар жамғарма 4 та халқаро кўргазмада 60 дан ортиқ тадбиркорнинг иштирокини ташкиллаштиришни режалаштирмоқда. Мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хориждан ишончли ҳамкор топиш, улар маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт қилишдан иборатдир.

ЭЪЛОН

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:

Заявка (по форме);

Инвестиционное предложение (по форме);

Паспорт инвестиционного предложения (по форме).

Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08;
Web-site: www.fpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу: г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева, 1.
Услуги лицензированы.

Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов третьего поколения

Гидроизол для:

КРЫШИ
ФУНДАМЕНТА
БЕТОННЫХ ШВОВ

Гидроизол не подвержен биологическому и химическому разложению, гниению и коррозии



Тел.: + (998 93) 592-78-15
(998 98) 128-09-01
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

SaxiyHamkor

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамия

Давоми. Бошланishi 1-саҳифада

ЎТКИР МАСАЛАЛАРНИНГ МАРДОНАВОР ЕЧИМИ

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма уч йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 барабар, аҳолининг ялли реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ортигани, кейинги 10 йил давомида мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари юқори даражада бўлиб, умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яшилганлиги ва бунинг натижасида одамларнинг ўртача умр кўриши 66 ёшдан 73,5 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидлаш керак.

Албатта, бундай улкан натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Маълумки, юртимизда янгилаш ва иқтисодий ислохотлар жараёни тоталитар тузум емирилиши, иттифоқ парчаланиши, ҳўжалик алоқаларининг зулилиши сабабли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилди.

Бу йўлда жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни мардонавор энгиб ўтишга тўғри келган эди.

Республикаимизнинг бундан йигирма уч йил аввалги ҳолатига назар ташлар эканмиз, умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-бўйруқбозлик, режали тақсимот тизимидан воз кечиб, макроиктисодий баркарорлиқни таъминлаш, миллий валютани муомаласида қиритиш ва шу орқали мустақил пул ҳамда сифат жиҳатдан янги банк тизимини яратиб билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узалишларига йўл қўймаслик каби ҳаётий вазифалар кун тартибидеа долзарб бўлиб турган эди.

Ўша даврнинг оғир ва аянчли иқтисодий-ижтимоий вазиятига муҳтарам Юртбошимиз томонидан XII қаҳирқиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) берилган баҳони келтириб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

«Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна галлани қайғандан олиб келишим, қаёқдан валюта топишим ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик. Бугун очик айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узалиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида эдик.

Ўзимиздан чиқаётган маҳсулотни ўз нархида сотиб, ҳақимизни ундириб олиш ҳам мураккаб бўлиб қолди. Бошқа минтақалар ва чет давлатлар билан боғланган жуда кўп катта корхоналаримизнинг тўхтаб қоллиши ҳавфи туғилди. Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион катта бир халқни боқиб вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш масаласи ўта қийин муаммога айланди.

Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта ҳавф туғилди».

Маъмур мураккаб масалаларни ҳал этиш учун улкан билим, етук салоҳият ва жасорат талаб қилинади. Мустиқиллигимизнинг биринчи йиллари даноқ мамлакатимиз раҳбари келажақда республика иқтисодиётининг самарали ривожланиши учун пойдевор яратишга катта эътибор қаратди. Аниқроқ айтганда, тақчил валюта маблағлари давлат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик соҳаларга, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилди.

Маъжуд табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андозаларига мос келадиган сифат-

ли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топиш масаласи кун тартибидеа асосий вазифалардан қилиб қўйилди.

Бундай маъсулятли, мураккаб вазифани ҳал этиш учун, энг аввало, нефть ва галла мустиқиллигига эришиш, озиқ-овқат, электротехника, автомобиль соҳасини ривожлантириш зарур эди.

Масалан, нефть маҳсулотла-

Ўзбекистон ўз мустиқиллигининг илк йилларида танлаб олган иқтисодий тараққиёт йўли — «ўзбек модели»нинг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини бугун, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.

ри таъминоти масаласини олиб кўрайлик. 1990-йилларда 1 баррель (159 литр) нефтининг нархи ўрта ҳисобда 15-20 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, охириги пайтларда 1 баррель нефтининг баҳоси 100 доллардан ҳам ошиб кетиши қайд этилмоқда. Агар ўз вақтида Юртбошимизнинг мислсиз шижоати ва раҳнамолиги остида Бухорода янги нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Фарғонада эса мавжуд нефтни қайта ишлаш заводининг қайта таъмирланиши амалга оширилмаганда, бугунга келиб республикамиз ушбу нархларда нефть сотиб олиш учун катта миқдордаги валюта захираларимизни сарфлашга мажбур бўларди.

Шунингдек, 90-йилларнинг бошида республикамизда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорт учун ҳар йили ўртача 900 млн. АҚШ долларини миқдоридеа маблағ сарф қилинарди. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган оқилна аграр сиёсат натижасида мустиқиллиқнинг дастлабки йилларидаёқ сугориладиган ерлар ҳисобидан 400 минг гектар ер майдони 2,5 миллион оилага томорқа сифатида бўлиб берилди, пахта яқкаҳокимлигига чек қўйилиб, галла етиштириш учун ажратилган ер майдонлари кескин кўпайтирилди. Натижада ички ишлаб чиқариш ҳисобига мамлакатда аҳолининг галла ва ун, гўшт ва сўт, мева-сабзавотга бўлган талабини тўлалигича қондириш ва Ўзбекистоннинг галлани импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи мамлакатга айлиниши имконияти юзасига келди. Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар ҳисобига бир неча миллиард АҚШ доллари атрафида тежаларган валюта маблағлари кўпларни янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилди.

Мустиқил тараққиёт йилларида тижорат банклари кредитлари, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, ушбу тармоқларда замонавий, рақобатбардош саноят корхоналарини барпо этиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланди.

Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Қўқумалоқ нефть қонини ўзлаштиришда Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ўзсаноатқурилиш-банк» томонидан ажратилган кредитлар катта аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг кредит қўйилмаслиги эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди ва Ўзбекистон учун янги бўлган саноят тармоқларини ривожланишига асос солинди. Улар орасида Асакадаги «GM Ўзбекистон» автомобиль заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Янгийул ва Қўжон биокимё заводи, Андижон гидрораз заводи, Ҳазорасп шакар заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи, Тўпалан ГЭС, Газли-Саримсой газ қувури, Тошғузур – Бойсу – Қумқўрган темир йўли қурилишлари ва бошқа ўнлаб энгил ва озиқ-овқат саноят кор-

хоналар борки, улар ҳақли равишда иқтисодиётимизнинг локомотивлари ҳисобланади.

ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Маълумки, ҳар қандай мамлакатни унинг ривожланган банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустиқилликка эришилган 1991 йилда юзасига келган ҳолат Ўзбекистон ҳукумати олдида ўзининг мустиқил банк тизимини зудлик билан таш-

ханизмининг собиқ иттифоқ давридаги пассив бўғинидан – мамлакат, халқ, миллат фаровонлигининг муҳим ва айни пайтда зарурий фаол соҳасига айланди.

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Шўқроналар бўлсинки, мустиқиллик шарофати билан биз ўз йўлимиз, тақдиримизни ҳал қилиш имкониятига эга бўлдик. Истиқлолнинг илк йиллари-

да республикада бутунлай янги банк тизими вужудга келди, халқроқ стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган, банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Марказий банк бошчилигида тўлақонли фаолият кўрсатувчи икки поғона-ҳими, аҳолининг банкларга нисбатан йўқолган ишончини қайта тиклаш мақсадида жаҳон тажрибасида синалган икки поғонали банк тизимини вужудга келтириш вазифаси турар эди.

Айниқса, мустиқиллиқнинг дастлабки даврида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан бевосита жорий ҳисоб-китобларни ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни амалга ошириши мумкин бўлмай қолган ҳолатига дарҳол барҳам бериш ҳамда тўлақонли амал қиладиган банк тизимини шакллантириш, ушбу тизимнинг таркибий қисми бўлган Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солидиган қонун ҳужжатларини яратиш долзарб вазифага айланган эди. Чўнки ўша пайтда собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган, режали иқтисодиёт тамойилларига асосланган ишлаб чиқилган банк фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база бозор иқтисодиёти шароитида қўллашга яроқсиз эди.

Банк тизимининг яна бир орғилки нуқтаси ички ҳисоб-китобларнинг чалқашликларга учраганлиги эди. Ўша даврда банклариимиздаги мавжуд тўловларни амалга ошириш усуллари жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, бозор шароитининг янги талабларига жавоб бера олмас эди. Натижада иқтисодиётда маблағларнинг айлиниш тезлиги жудаям суст даражада бўлиб, ҳўжалик субъектлари ўртачада пул ҳисоб-китоблари пошта орқали қоғоз шаклида тўлов ҳужжатларини бир банктан бошқа бир банкга етказиб бериш орқали амалга оширилганлиги учун 1-2 ой, баъзан ундан ортиқ муддатга қўзалиб кетарди.

Республикада мавжуд бўлган банк-молия соҳасини давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги XI сессиясида қўйидагича баҳоланган эди: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шакллантириш ва исчи ривожлантириш стратегик жиҳатдан устуни йўналишидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар – тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солиқ тизимини ривожлантирмай туриб, маъриятли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Афсуски, бугун биз сиёсатимизнинг мана шу йўналиши энг заиф бўғин эканини эътироф этишга мажбуримиз».

Шу ўринда Президентимизнинг жамият қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътиборини фахр билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Зеро, Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрликлари ёрдамида мустиқиллик йиллари кенда банк тизими ҳўжалик юритиш ҳамда бошқариш ме-

ўз ишлаб чиқарувчиларини ички бозордан сиқиб чиқардилар.

Биз эса бундай энгил йўлни танламадик. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, экспортбоп маҳсулот тайёрлайдиган, илгор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириб йўлидан бордик.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қузилаб-қувватлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб қилинди.

Ҳозирги кунда ўнлаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омиларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ноҷор аҳволга солиб қўйганини кузатиш мумкин.

Шу ўринда Президентимизнинг XII қаҳирқиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқларидеа ташқи қарз ва уни узатиш муаммолари тўғрисида билдирган фикрларини келтириб жоиздир:

«Хорижий дунё бозори билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдики? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмайми? Улар бизга таъйиқ ўтказмайдики? Олган қарз-кредитларимиз бўйинида оғир қол бўлиб қолиб кетмайдики? Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаниги, келажақ авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажақда қоқилиб қолиши ҳисобига олмасак, бу – катта гуноҳ бўлади».

Эътибор беринг-а, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози йўли беришидан 16 йил олдин давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар теран мушоҳадаларга асосланганлигини тараққиётимизнинг хозирги ривожланиш босқичи аяқол тасдиқлаб турибди.

Кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан инқироз талофатларидан қутулиб чиқиш мақсадида мислсиз миқдордаги маблағлар сарф қилиниши ва ташқи қарз сиёсатининг но-тўғри амалга оширилганлиги оқибатида евро худудига кирувчи Греция, Испания, Италия, Ирландия, Португалия мамлакатларининг ташқи қарзлари ЯИМнинг 100 фоиздан ошиб кетиб, бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз кўзга ташланмоқда. Дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий ҳавотир туғдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялли ички маҳсулотимизнинг атиги 17 фоизини ташкил этмоқда. Бу Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг ҳулосасига кўра дунёда энг паст қўрсаткичлардан ҳисобланади. Давлат бюджети эса 2005 йилдан бўён ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилиб келинаётгани мамлакатимизда бюджет сиёсатининг самарали ижро этилаётганидан далолат беради.

2013 йил сентябрь-октябрь ойларида Халқаро валюта фондининг мамлакатимиз иқтисодиётини ўрганиш мақсадида ташриф буюрган миссиясининг расмий баёнотида: «Глобал иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига қарамасдан Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиб бориши давом эттирилмоқда. Барқарор банк тизими, кучли

бюджет ва ташқи сиёсат ҳамда давлат қарзининг камлиги барқарор макроиктисодий натижаларга эришиш учун хизмат қиладиганлиги» алоҳида қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини дунё тан олмақда.

Хусусан, жорий йилнинг июль ойида Жаҳон банки иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти аҳоли жон бошига 5340 АҚШ доллари миқдоридеа баҳоланган, Ўзбекистон миллий валютасининг харид қобилияти паритетига асосан ҳисоблаб чиқилган ялли ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёнинг 190 мамлақати орасида 66-ўринни эгаллади. 2010 йилда Ўзбекистон ушбу қўрсаткич бўйича 72-ўринда қайд этилганини ҳисобга олсак, қисқа давр ичидеа республикамиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ўсишга қаратилган фаолиятини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишини таъминламоқда.

Банкларнинг ресурс базасининг ўсиб бориши ва жорий йилнинг 1 январидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик 10 фоиз миқдоридеа этиб белгиланиши, ўз навбатида, банкларнинг кредитли ва инвестицион фаолиятини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишини таъминламоқда. Утган йилнинг мос даврига нисбатан банкларнинг жами активлари 28 фоиздан кўпроққа, сўнгги 13 йил ичидеа эса ушбу қўрсаткич 45 баравардан зиёдга, охириги 3 йилда эса 2,1 бараварга ошиб, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига 47,9 трлн. сўмини ташкил этди.

Умуман олганда, банк тизимининг молиявий қўрсаткичлари бугунги кунда нафақат умумэътироф этилган талабларга жавоб бермоқда, балки халқаро меъёрлар бўйича юқори даражага эга бўлиб бораётир.

«XXI ASR» 2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«XXI ASR» 2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«XXI ASR» 2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«XXI ASR» 2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«XXI ASR» 2014-yil 14-avgust, payshanba, 32 (560)-son.
www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий салохиятини юксалтириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юқори қўрсаткичларга эришишда Президентимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастури ва унинг моҳирона ижроси алоҳида ўрин тутарди.

Сир эмаски, дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекси ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетиши оқибатида кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, исизлик ва ижтимоий танглик вужудга келди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар талабларидан келиб чиқиб, республикамизнинг йирик тижорат банклари капиталига қўшимча маблағлар йўналтирилди. Мамлакатимиз тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишнинг ўзига ҳоз хусусияти шундаки, АҚШ, Европа ва МДҲ давлатларида тижорат банклари капиталига йўналтирилган маблағлар ликвидлигини таъминлаш ва муаммолари билан активларини сотиб олишга йўналтирилган бўлса, Ўзбекистонда банк тизимининг капиталлашувини ошириш иқтисодиётга қўшимча ресурсларни йўналтириш орқали инвестицион фаолиятини кенгайтиришга қаратилди.

Бу борада гап кетганда, биринчи навбатда, тижорат банкларининг тўланмай қолган қарзлар туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги фаолияти юксак эътиборга сазовордир.

Жаҳон тажрибасида андозаси бўлмаган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция қиритиш орқали уларни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиб, иш ўринларини қайта тиклаш ва янгиликларни яратишни кўзда тутарди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналари-

СОБИТ ҲАМКОР

нинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу масалада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонга асосан 2009 йилдан буюв самарасиз ишлаётган 177 та корхона тижорат банклари балансида ўтказилди. Банklar томонидан йўналтирилган сармоялар эвазига уларнинг 120 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банklar балансида қолган 53 корхонанинг 44 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 9 та корхонада бу борадаги ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун 576 млрд. сўм ҳажмидаги инвестиция киритилиб, бунинг натижасида 21 мингдан зиёд янги иш ўрни барпо этилди.

Мазкур инвестициялар ҳисобига корхоналар Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцариянинг замонавий технология ва ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, фаолият тикланган корхоналар томонидан жами 3,0 трлн. сўмга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 730 млн. АҚШ доллари миқдорига дахл маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, банklar томонидан фаолият тикланган корхоналарда кенг қўламдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорини тўлдиришга ҳамда экспортга йўналтирилиб, мамлакатимиз валютаси захирасини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари ажитрилган кредитлар сўнги 13 йилда 44 бараварга, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 фоизга ошди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиллаш, замонавий технология асосида рақобатбардор ва харидорғир маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этиш мақсадида банklar томонидан жами 4,1 трлн. сўм миқдорига инвестициялар ажратилди.

Ушбу йилларда иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмининг ўсиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш суръатидан сезиларли даражада ошди, миллий иқтисодиётнинг ўсишида банк секторининг фаол қўмагини таъминламоқда.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА МАДАД

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаюқ банк тизими олдиға кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ушбу тизимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиши лозимлигини устувор аҳамият қаратиб келаятган туфайли мазкур тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг воят муҳим йўналишларидан бирига айланиб, қўлами тобора кенгайиб бораётди.

Жумладан, 2000 йилдан бошлаб тадбиркорлик соҳасини кредитлаш 67,3 баравар, микрокредитлаш ҳажми эса 129 бараварга кўпайди. 2014 йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳажми 31 фоиздан ошди, 4,8 трлн. сўмини ташкил этди.

Шу билан бирга, банк соҳасида бизнес юритиш талабларини энгиллаштириш доирасида бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун аризаларни қўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиған муддат билан чеклангани, банк ҳисобварагини очиш, давлат бюджетига уларнинг ҳисобва-

рақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банklar хизматлари учун тўлов ундириш ва нотариал тасдиқланган имзолар намунаси олишининг ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларига электрон кўринишда хизматлар кўрсатиш учун олинадиган тўлов миқдори 20 фоизга қисқартирилиб, банк-молия соҳасида 8 турдаги рухсат бериш тамойиллари бекор қилингани ана шундай имтиёзлар сирасига киғади.

Тегишли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва уни ишлаб чиқишни молиялаштириш йўли орқали кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишларини энгиллаштириш учун 2012 йилда Ўзбекистон банklar ассоциацияси қошида Инвестиция лойиҳалар бўйича лойиҳавий ҳужжатларни тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил қилинди. Ўтган йилнинг ўзида мазкур Фонд томонидан лойиҳавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича 50 та лойиҳа молиялаштирилди ва уларга 40 млрд. сўм миқдорига банк кредитлари ажратилди.

Шунингдек, 2013 йилнинг август ойида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошида Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамгармасининг республикамизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эға бўлган ҳолда ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жамгарманинг асосий вазифаси хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилишда зурур бўлган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жамгарманинг ўтган қисқа давридаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишга эришилди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида аҳамият эғаллаб келмоқда.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 55,8 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизни мантқиқий самарасидир.

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 минггага етди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсаткичларининг бозор ҳизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиётнинг тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Умуман олганда, сўнги 10 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар ҳажми қарийб 20 бараварга, шу жумладан, ажратилган микрокредитлар ҳажми 31,7 бараварга ўсди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 1 ярим йиллиги давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 4,8 трлн. сўм миқдорига кредитлар, шунингдек 1 трлн. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткичларнинг 2013 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 бараварга ўсиши таъминланди.

Шуни эътироф этиш керакики, Ўзбекистон бизнесини рўйхатга олиш шартлари бўйича ҳажим миқёсида 66 позицияга кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эғаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 поғона юқорига кўтарилди.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик соҳасини ривожлантиришдан, унга тегишли қўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият ва имтиёзлар яратмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажagini таъминлай олмаймиз.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бу борада, айниқса, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли қишлоқ мулкдорлари маҳсулот этиштириш билан чегараланиб қолмай, уни қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Соҳани ислоҳ этиш, фермерлик ҳаракатини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга банк тизими томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгиллаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини тараққий эттириш ва кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан қатор ишлар амалга оширилиб, қишлоқ жойларда 2 мингдан зиёд минибанк ва махсус кассалар сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги саноат ишлаб чиқаришидан фарқ қилган ҳолда мавсумий характерга эғадир. Яъни, экинни экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишгача бўлган муддат 7-8 ойни ташкил этади. Натижада фермер хўжалиқлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини этиштириш учун сарф қилинган харажатларни этиштирилган ҳосилни сотишдан олинадиган маблағлар ҳисобидан қоплаш, муддатига экинларни экишга тайёрлаш, парвариш қилиш, минерал ўғитлар ва ёқилғи сотиб олиш, йиғим-теримни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш учун банк кредитларига бўлган эҳтиёж ортади.

Ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, ғалла ва пахта хом ашёсини этиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра банкаримиз томонидан 2 трлн. сўмдан зиёд кредитлар имтиёзли шартлар асосида йиллик 3 фоиз ставкада ажратилди.

Бу йил миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли қўрилмаган натижаларга эришилди — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида ilk бор 8 миллион 50 миң тонна ғалла этиштирилди. Юртимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эришилган ана шундай муҳим меҳнат ғалабасида банкаримизнинг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, фермер хўжалиқларига, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар ташкил этиш ва томчилаб суғориш тизимини жорий этиш учун имтиёзли фойз ставкаси бўйича банк кредитлари ажратилиб келинмоқда. Ушбу максалларга ажратилган кредитлар 2014 йилнинг 6 ойи давомида 19,9 млрд. сўмини ташкил этди.

Ҳабарингиз бор, жорий йилнинг 6 июнида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда 40 дан зиёд мамлакатдан 200 дан ортиқ чет эллик олим, эксперт, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этди. Конференциянинг очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз жаҳоннинг айрим минтақаларида озиқ-овқат муаммоси билан боғлиқ мураккаб вазиятлар юзага келаятганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, бугунги кунда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири

очликдан азият чекаётганлиги, бунинг оқибатида 160 миллиондан ортиқ бола ҳисмоний ва интеллектуал ривожланишидан ортда қолаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравардан зиёдга ошди. Аҳоли жон бошига ғўшт истеъмоли 1,3 баравар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 қарра, кар-

Бугунги кунда мамлакатимизда 26 та тижорат банки, уларнинг республикамиз ҳудудлари бўйича 843 та филиали, 4 миңг 200 дан зиёд мини-банк ва махсус кассалари аҳоли ва юридик шахсларга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

тошқа 1,7 баравар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, мевалар истеъмоли қарийб 4 бараварга ошди. Республикаимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот этиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига деярли 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич оптимал деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баравар кўп бўлиб, БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силванинг фикрига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, мева ва сабзавотлар ҳажмининг ортиси бошқа мамлакатлардаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда халқимиз дастурхонини турли мевалар, ноз-неъматлар билан тўлдиришда ҳамда дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мевасабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилишда банк тизимининг ҳам ўзига хос ўрни ва мавқеи бор.

Республикамиз тижорат банклари томонидан халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-қўст тўлдириш мақсадлари учун сўнги беш йил мобайнида қарийб 4,0 трлн. сўм миқдорига, жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида эса 794,3 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич 2013 йилнинг 6 ойига нисбатан 1,3 баравар кўпдир.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик натижаларига кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва томчилаб суғориш тизими учун зарур бўлган технологик ускуна харид қилишга 144,3 млрд. сўмлик, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 630,1 млрд. сўмлик кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидаюқ юқори бўлмаган фойз ставкада ажратилиб келинмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур кредитлар банklarнинг жами кредит портфелининг 20 фоизини ташкил этаётди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига миллий валютада ажратилган микрокредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан 1,5 йил муддатга чорва моллари, парранда, қўчат, уруғлик ва ем-хашакни аҳолидан сотиб олиш учун берилишига рухсат этилган.

Шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратишнинг ўзига хос механизми жорий қилинди.

Унга кўра, мазкур микрокредитлар Бандлик жамгармаси кредит линияси ва тижорат банklarининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилиш кўзда тутилган бўлиб, 3 йилгача бўлган муддатга қарз олувчининг хоҳишига кўра пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

Шу билан бир қаторда, мазда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар саккиз одамнинг бири

ривожлантиришдан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар ташкил этиш учун ҳам Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган ставкаларда микрокредитлар ажратилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига мевали дархатлар ва узум қўчатлари сотиб олиш учун бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддат-

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банкаримиз томонидан аҳолига ушбу йўналишда ажратилган кредитларнинг қолдиғи 3,5 трлн. сўмини ташкил этиб, шундан 711,9 млрд. сўми эёш оилалар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 трлн. сўмга ошган бўлса, сўнги уч йил мобайнида 3,4 баравардан зиёдга кўпайди.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитла-

рини сифатли яхшилаш мақсадида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банки» томонидан ўтган беш йил мобайнида қишлоқларда 33 557 та яқка тартибдаги уй-жой қурилишига қарийб 2 трлн. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди.

2013 йил 16-17 апрель кунлари пойтахтимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли» мавзусидаги халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хориқлик мутахассислар Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо бериб, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳавас қилса арзиғулик эканини алоҳида эътироф этдилар. Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитлари сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимида 2009-2013 йиллар давомида Осиё тараққийот банкнинг 291,4 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағи жалб этилган бўлса, жорий йилда шунинг 106,8 млн. доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида янгиға фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тадбирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш мутахассислар этишиб чиқмоқда.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти — охиқ-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ» деган сўзларини эслаш кифоядир.

Мазкур дастур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 26 июлида «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори билан «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Мазкур низом талаблари асосида биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 8779 нафар талабага 25,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгайтирилиб, касб-хунақар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланмоқда.

2010-2013 йилларда тижорат банклари томонидан касб-хунақар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 222,3 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилган бўлса, биргина 2013 йил давомида 2012 йилга нисбатан 2,8 баравар кўп ёки 140,1 млрд. сўм миқдорига имтиёзли микро-

кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, 2014 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида ушбу йўналишда 76,7 млрд. сўм миқдорига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 бараварга кўп кредитлар берилди.

Тижорат банкларида коллеж битирувчининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опа-сингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафилик бериш амалиёти ҳам жорий этилди.

Иқтисодий жаҳбаларда банк тизими томонидан амалга оширилаётган ислохотлар муҳтарам Юртбошимизнинг «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган дэъватини шиор қилган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Республикамиз тижорат банклари томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилаётгани шулар жумласидандир.

Ушбу дастур доирасида банк тизимига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан жами жорий йилнинг 6 ойи давомида 1,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари имтиёзли шартлар асосида ажратирилиши режалаштирилган бўлиб, банкаримиз томонидан Давлат дастури ижроси учун 2 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Жумладан, аёллар ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида тадбиркор аёлларга, шунингдек, таркибида 50 фоиздан ортиқ аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкаримиз томонидан 521,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Шунингдек, Давлат дастури талабларини келиб чиқиб, «Микрокредитбанк» томонидан «Қорақалпоғистон аёллари учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш» лойиҳаси доирасида кам таъминланган аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, бизнес лойиҳаларини тузиш бўйича ўқув курслари ташкил қилиниб, бугунги кунда «гурухли кредитлаш» тамойиллари асосида уларнинг бизнес режалари ишлаб чиқилмоқда.

Уз навбатида, 2014 йил 1 июль ҳолатига 105 нафар аёлга 210 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бир қаторда, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида банklar чет эллик ҳамкорлари билан қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Уз навбатида, Халқ банки ва «Микрокредитбанк» томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамгармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу жамгарма маблағлари эвазига мазкур банklarда Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамгармаси шакллантирилган.

Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамгармаси маблағлари ҳисобидан Халқ банки томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳамда «Микрокредитбанк» томонидан Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юрятаётган аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012-2013 йиллар мобайнида 525,0 миң евродан зиёд микрокредитлар ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги тантаналарига ҳам саноқли кунлар қолди. Ана шундай фароҳбахш кунларда Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган макроиқтисодий сийёсат неғизида жаҳон андозаларига мос бўлган мустақил банк тизими яратилди ва а мамлакатимиз иқтисодиётининг бундан кейин ҳам «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида барқарор ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилаверади.

Ф.МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган иқтисодчи.

